

Муҳаммад Содиқ Хон: Активлар қайтарилиши – афғонлар ҳуқуқи кафолати



Покистоннинг Афғонистон бўйича махсус вакили Муҳаммад Содиқ Хон Тошкентда бўлиб ўтаётган халқаро конференциясида нутқ сўзлаб, Афғонистоннинг “музлатилган” активларини қайтариш ва мамлакат банк тизимини қайта тиклаш жараёнини бошлашга чақирди.

- Замонавий иқтисодиёт банк операцияларисиз амалга ошмайди, Афғонистон ҳам бундан мустасно эмас, - таъкидлади Муҳаммад Содиқ Хон. - Покистон ўтган йил августдан буён Афғонистон аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатишда давом этмоқда.

Шу билан бирга махсус вакил Афғонистоннинг географик жойлашуви Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасида мунтазам транспорт алоқасини йўлга қўйиш ҳамда умумий тараққиётни таъминлашда муҳим эканига урғу берди.

Манба